ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00372

ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНСОН ФАЛСАФАСИГА БАҒИШЛАНГАН ФАНЛАРИ ЎРТАСИДА ЭГАЛЛАГАН ЎРНИ

Гулчеҳра Қобулниёзова
Ўзбекистон Миллий университети доценти
kabulniazova@yandex.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фалсафий антропология фанининг предмети ва аҳамияти ёритилган. Бу фаннинг асосчилари бўлган немис файласуфлари Макс Шеллер, Гелмут Плеснер, Арнолд Гелен ва бошқаларнинг асосий тамойиллари таҳлил қилинган. Фалсафий антропология предметини тушунишдаги фарқлар ва ўзига хос бўлган қарашлар очиб берилган.

Калит сўзлар: фалсафий антропология, инсон фалсафаси, инсон табиати, инсон моҳияти, маданият, маънавият, маърифат, тафаккур, онг, интуиция, иррационализм, инсон – номукаммал мавжудот, инсон-компенсатор.

THE SUBJECT OF PHILOSOPHICAL ANTHROPOLOGY AND ITS PLACE IN THE SYSTEM OF SCIENCES THAT STUDY HUMAN PHILOSOPHY

Gulchekhra Kabulniyazova
Associate Professor of the National University of Uzbekistan
kabulniazova@yandex.ru

ABSTRACT

The article analyzes the subject and meaning of philosophical anthropology. The views of such founders of this philosophical science as Max Scheler, Arnold Gehlen, Helmut Plessner and others are considered. The differences and peculiarities in the understanding of the subject of philosophical anthropology are revealed.

Keywords: philosophical anthropology, human philosophy, human nature, the essence of man, culture, spirituality, enlightenment, thinking, consciousness, intuition, irrationalism, Man as a Deficient Being, Man as a Compensator.

КИРИШ

Ҳозирги замон инсон ҳақидаги таълимотларнинг орасида фалсафий антропология фани алоҳида ўрин тутади. Макс Шелер ва немис фалсафий антропологиясининг башқа йирик вакиллари инсон маънавий ҳаётининг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00372

тўфонларини инсон борлиғи ва унинг руҳиятидан қидириш керак, деб кўрсатадилар. Улар инсондаги руҳий жараённи фалсафий таҳлил қилиб, инсоннинг ички дунёсидаги ҳолатларини очиб беришди. Натижада уларнинг таълимотлари XX аср фалсафасига жуда катта таъсир кўрсатди.

Фалсафий антропология фани XIX аср охири ва XX аср бошларида вужудга келди. Унинг асосчиси немис файласуфлари Макс Шелер ва унинг издошлари Гельмут Плеснер, Арнольд Гелен, Эрих Ротхакерлар бўлиб, улар фалсафий антропология фанининг иррационал ва рационал ёндашувларига асос солишди.

XX асрнинг ўрталарига келиб, экзистенциализм, неофрейдизм таълимотлари инсоннинг ички дунёсидаги ҳолатларини ўрганишга катта эътибор қарата бошлайди.

Улар инсоннинг онг остидаги жараёнларини ҳам фалсафий, ҳам психик томондан аниқлар эдилар. Экзистенциализм ва неофрейдизм таълимотлари билан бир қаторда фалсафий антропология фани ҳам инсон масаласини марказга қўяди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мустақиллик давридан бошлаб Ғарб фалсафасини ўрганиш кенг кўламда олиб бориляпти. Ушбу мавзуга бағишланган мақолалар конференция материалларида, газета ва журналларда чоп этилмоқда. Жумладан, фалсафий антропология фани ҳам ўрганила бошланди.

Ҳозирги даврнинг талаби, бу фанни объектив ҳолатда ўрганишдан иборат бўлиб, фалсафий антропология фанининг ғояларини ҳеч қандай идеологик стереотипларга солмасдан асл ҳолатда таҳлил этишни талаб қилади.

Шарқ ва Ғарб маданиятини бирлаштирувчи ягона бир кўприк бу инсон муаммосидир. Уни ўрганиш ҳозирги даврда энг долзарб муаммолардан биридир. Шунинг учун айнан инсон масаласини эътибор марказига олган фалсафий антропология фани инсонни ўрганувчи комплекс фанлардан бири бўлиб уни асосий ғояларини талабаларга етказиб бериш ғоят долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон республикасининг маънавий ҳаётида инсон масаласини ўрганиш ҳар хил шаклда олиб борилмоқда.

2003 йилда доцент С.А.Йўлдошев бошчилигида «Янги ва энг янги давр Ғарб фалсафаси» деб номланган ўқув қўлланма чоп этилди [1]. Бу қўлланмада фалсафий антропология фанига ҳам бир бўлим бағишланган эди. 2016 йилда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00372

профессор. Г.М.Рўзматованинг «Фалсафа тарихи: Замонавий Ғарб фалсафасининг долзарб муаммолари» деб номланган ўқув кўлланмасида ҳам немис фалсафий антропологиясига бир бўлим ажратилган бўлиб, Макс Шелер, Гельмут Плеснер, Арнольд Гелен, Эрих Ротхакер, Ганс-Эдуард Хенстенберг ва Феликс Хаммер қарашларини таҳлилига катта эътибор қаратилган [2].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фалсафий антропология фанини ўрганишда комплекс, тизимли услублардан фойдаланиш зарур бўлиб уларнинг ичида қиёсий таққослаш услуби ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Масалан, замонавий биология, психология, социология фанларида инсон муаммосига тегишли бўлган манбалар фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинади ва инсоннинг руҳий ҳаётига тегишли бўлган ғоялар ёритилади. Ушбу фанларда инсонга тегишли бўлган ғоялар, тушунчалар комплекс тарзда қиёсий таҳлил қилинади. Макс Шелер томонидан ишлаб чиқилган инсон таърифининг иррационал ёндашувига биноан инсон табиатида энг муҳим жиҳатлар руҳий табиатга эга бўлиб улар ичида Шелер киритган руҳий юрак тушунчаси марказий тушунчалардан биридир [3, 38]. Бу тушунчани Шелер христиан фалсафасининг машҳур намоёндаси Аврелий Августин таълимоти таъсирида ишлаб чиққан. Бу тушунча билан бошқа бир қатор тушунчалар бир бирига боғланиб Шелер антропологиясида ўзига хос бўлган тизимни шакллантиради.

Арнольд Гелен, Гельмут Плеснер ва Эрих Ротхакер таълимотларида эса инсон биологик жиҳатдан номукаммал мавжудот сифатида таърифланади ва унинг бу камчилиги маданиятнинг яратилиши орқали тўлдирилади.

Замонавий фалсафий антропология вакилларидан бири Одо Марквард эса инсонни «Homo compensator» деб атайди ва унинг фикрича инсон ҳайвонот оламидан ажралиб чиққан номукаммал биологик зот бўлиб у ўзининг ақли туфайли ўзининг кемтикликларини тўлдиришга ҳаракат қилади [4, 912-918]. Михаэль Ландман эса инсоннинг фаолиятида объектив руҳнинг таъсири ва ҳаракатини кўради, унинг фикрича инсон табиатида руҳий жиҳатлар асосий роль ўйнайди, инсон бу руҳий ва биологик жиҳатларнинг иерархиясидан иборат [5, 196-204].

Диний антропология вакиллари Ганс-Эдуард Хенстенберг ва Феликс Хаммерларнинг фикрича инсон табиатида руҳ муҳим роль ўйнайди, бу олимлар руҳ тушунчасини инсоннинг психик фаолиятидан алоҳида ўрганишадива руҳнинг фаолиятини илоҳий куч билан боғлашади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00372

Фалсафий антропология предмети ҳақида гапирар экан, В.Брюнинг бу тушунчани икки маънода ишлатиш мумкин деб ҳисоблайди: тор ва кенг маънода. Кенг маънода фалсафий антропология фанига инсон ҳақидаги барча фалсафий таълимотларни киритиш мумкин, бу кенг маънода тушунилган фалсафий антропология предметига уларнинг онтологик, гносеологик ёки методологик масалалар билан қизиқиши бефарқдир. Тор маънода эса фалсафий антропологияга, инсонни келиб чиқишини, инсон табиатининг биологик, ижтимоий ва руҳий моҳиятини ўрганувчи фанлар киритилади [6, 209-410]. П.С.Гуревич «Фалсафий антропология» китобида фалсафий антропология фанининг предметига қуйдагича таъриф беради: «Фалсафий антропология фани бу инсонни мавжудликнинг алоҳида бир тури сифатида ўрганадиган фалсафий фан, инсон табиати, моҳияти ва борлиғи англаб етилади, инсон мавжудлигининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилади, оламнинг антропоцентрик манзарасининг ички имкониятлари аниқланади» [7, 11-12]. Дарҳақиқат, фалсафий антропология фанини инсон фалсафаси ёки инсон антропогенези масалалари билан айнанлаштириб қўйиш эҳтимоли катта.

Шунинг учун П.С.Гуревич фалсафий антропология предметига учта ёндашув борлигига эътиборни қаратади. Биринчи ёндашувга биноан фалсафий антропология мустақил фан бўлиб фалсафа тарихи, гносеология, этика ва эстетика фанларидан фарқ қилади. Бундай ёндашувнинг ёркин намоёндаси немис файласуфи Иммануил Кант бўлган. Иккинчи ёндашувнинг ийрик вакили машҳур немис файласуфи Макс Шелер бўлган. У барча фанлардаги билимларни умумлаштиришга, антропологик ва антропологик бўлмаган билиш услубларини бир биридан ажратишга даъват этган.

Учинчи ёндашувга биноан борлиқни ўрганишда антропологик билиш услубларидан фойдаланиш зарур, бу услуб XX асрнинг ўрталарида шаклланган. Бу ёндашувнинг вакили бўлган Ханс Блюменберг фикрича фалсафий антропологиянинг асосчиси француз файласуфи Мишель Монтень бўлган [8, 105].

Фалсафий антропологиянинг йирик вакилларидан бири И.Кант ҳисобланади. Инсон ҳақидаги қарашларида Кант учта саволни ўртага ташлайди:

1. Мен нимани билишим мумкин?
2. Мен нима қилишим мумкин?
3. Мен нимага умид қилишим мумкин?

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00372

Бу учта савол ёлғиз бир саволга бориб тақалади: Инсон ўзи қандай мавжудот? Бундай ёндашув фалсафий антропология фанини ҳаддан ташқари фундаментал фанга айлантириб қўяди. Кантнинг антропологик қарашларини Мартин Бубер таҳлил қилар экан, унинг фикрича Кант инсоннинг яхлит концепциясини яратмаган, у инсонга таъриф бермаган ва ўзи қўйган саволларга жавоб ҳам бермаган [9, 159]. Лекин И. Кант инсон табиатида энг муҳим жиҳатни, яъни руҳий эркинликни айтиб кетади.

Макс Шелер ғояларини А.Гелен, Г.Плеснер, Э.Ротхакер, Г.-Э.Хенгстенберг, М.Ландманлар ривожлантиришди. Файласуф нафақат ҳақиқатни очади, у коинотнинг логосини кашф этишда қатнашади. Коинотни ўрганар экан файласуф борлиқни ҳам билади, коинотни билиш эса уни ўзгартириш билан тенгдир. Агар коинот хато тушунилган бўлса мутафаккир уни вайрон этади, шунинг учун файласуф ўз тақдири ва оламнинг тақдири учун маъсулдир. Фалсафий фанлар ўз предмети сифатида борлиқ логосини ўрганишади, ижтимоий фалсафа жамиятнинг логосини ўрганса, фалсафий антропология фани инсон борлиғининг логосини ўрганади, логос сирли табиатга эга бўлса ҳам инсон ақли уни ўрганади, чунки инсон ақли ҳам ана шу логоснинг кўринишидир. Фалсафа инсон тафаккурини яшиндек порлашидан пайдо бўлади ва тафаккур занжирининг кейинги ривожида муҳим бир халқа вазифасини бажаради.

Макс Шелернинг ижоди шу қадар кўп қирралики унинг назариясидаги асосий фикрни ажратиб олиш бир мунча қийиндир. Лекин ишонч билан айтиш мумкинки унинг таълимотининг асосий мавзуси бу инсоннинг руҳий борлиғидир. Шелер ижодининг барча босқичларидаунинг инсон табиатини тушуниши христианлик фалсафасидаги қарашлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шелер фалсафий антропологиясининг асосий услуби христианлик дунёқарашига асосланади. Инсон ўзининг тор табиий чегараларидан чиқиб кетиб оламнинг моҳияти бўлган худони англашга, у билан қўшилишга қодир, натижада инсон уни яратган худонинг тимсолига айланади. Инсон коинотдан фарқ қилади, лекин шу билан бир қаторда инсон коинот билан бир яхлитликни ташкил этади. Инсон фалсафаси инсон ҳақидаги метафизик билимларни конкрет фанлардаги билимлар билан бирлаштириши керак. Лекин Шелер бу вазифани бажара олмади, бунинг сабабларидан бири шундаки, Шелер антропологияси икки бир бирига қарама қарши кутбни, яъни христианлик билан ницшеанликни бирлаштиришга ҳаракат қилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00372

Илоҳий руҳга бўлган ишонч космик табиатга эга бўлган ирода тушунчаси билан мутаносиблик, гармония ҳолатига келмади. Фалсафий антропология фанининг тадқиқотчиси Б.Григорьяннинг фикрича, Шелер инсон ҳақидаги таълимотни ривожлантиришда конкрет фанларнинг аҳамиятини тан олган бўлсада, унинг шахс ҳақидаги қарашлари диний табиатга эга [10, 13]. Шелер конкрет фанлардаги билимларни инсонни ҳайвондан тубдан фарқ қилишини исботлаш учун ишлатади. Католицизм динидан Шелер пантеистик қарашларга ўтади. Шу даврдан бошлаб унинг ижодининг охирги қисми бошланади, лекин унинг диний қарашлари бутун фалсафаси давомида йўқолмади. Масалан, унинг таълимотидаги инсон табиатининг илоҳий моҳияти диний қарашлардаги инсоннинг худонинг тимсоли бўйича яратилганлиги ҳақидаги фикрларга ўхшайди. Инсон моҳиятини унинг ўзидан келиб чиқиб тушунтира бўлмайди, инсоннинг моҳиятини англаш учун уни худонинг тимсоли эканлигини англаш зарур. Инсон шахси унинг ҳайвоний даражадан ҳақиқий илоҳий даражага ўтишида очилади. Биология ва психология фанлари инсон моҳияти ҳақида ҳеч нарса айта олмайди, чунки бу моҳият илоҳий. Интеллект ва танлаш имконияти инсонни ҳайвондан фарқлаш учун етарли эмас. Инсонни ҳайвондан фарқи унинг илоҳий даражага кўтарила олишида [3, 26]. Инсон ўзини ўзгартира оладиган мавжудот, чунки у худога ибодат қилмайди, унинг ўзи тирик ибодатдир, инсоннинг руҳий юрагида худога бўлган эътиқод яшайди, мана шу эътиқод туфайли инсон худонинг тирик тимсоли. Инсон худони ахтармайди, чунки худо унинг албида яшайди ва инсон қалби орқали инсон худога қўшилади. Инсон ботиний оламида худо яшар экан, унинг моҳияти мана шу илоҳий ибтидонинг намоён бўлишида очилади. Ижодининг илк бор даврида Шелер инсонни худони англашга интилувчи мавжудот сифатида кўрсатса, сўнгги даврда инсон файласуф сифатида намоён бўлади, чунки фалсафа орқали худони инсон қалбида мавжудлиги очилади. Фалсафа орқали инсон коинот билан кўшилиб бутун борлиқни яратади.

ХУЛОСА

Юқорида кўриб чиққан замонавий фалсафий антропологиянинг вакилларининг қарашлари рационал табиатга эканлигини кўриш мумкин. Инсоннинг рационал таърифи марказида эса тафаккур туради, айнан унинг фаолияти инсон онгини белгилайди. Инсон ҳаёти чегараланган, қисқа бўлганлиги учун унинг тафаккури ва фаолияти ҳам чегараланган ва унинг моҳияти ижтимоий фаолиятда очилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00372

XX асрда шаклланган фалсафий антропология фанида рационал ҳамда иррационал таълимотлар шаклланди ва ҳозирги вақтда ҳам ривожланиб келмоқда. Инсон борлиғи ва фаолияти мураккаб масала бўлганлиги учун хали ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ва ҳар хил концепцияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

REFERENCES

1. Йўлдошев, С. ва бошқ. (2002). *Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XVII-XX асрлар).* Тошкент: Шарқ.
2. Рўзматова, Г. (2016). *Фалсафа тарихи: Замонавий Ғарб фалсафасининг долзарб муаммолари.* Тошкент: Янги нашр.
3. Шелер, М. (1994). *Избранные произведения.* Москва: Гнозис.
4. Marquard, O. (1976). *Kompensation.* Stuttgart: Schwabe.
5. Григорьян, Б. (1986). *Буржуазная философская антропология.* Москва: Наука.
6. Брюнинг, В. (1997). *Философская антропология. Исторические предпосылки и современное состояние.* Екатеринбург: Деловая книга.
7. Гуревич, П. (2010). *Философская антропология.* Москва: Омега-Л.
8. Блюменберг, Х. (1995). *Антропологическое приближение к актуальности риторики // Это Человек: Антология.* Москва: Высшая школа.
9. Бубер, М. (1995). *Два образа веры.* Москва: Республика.
10. Григорьян, Б. (1982). *Философская антропология: критический очерк.* Москва: Мысль.